



# ИШОНЧ



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси


## ЯНГИ РАИСЛАР САЙЛАНДИ

Наманган вилояти деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касба уюшмаси қўмитасининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб, ташкилий масала кўрилди. Қўмита раиси Ф. Иброҳимов пенсияга чиққанлиги муносабати билан ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилди. Қўмита раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган И. Мирзараҳматов раис этиб сайланди.

Мажлисда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини, республика деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Х. Собитов, Наманган вилояти касба уюшмалари кенгаши раиси Х. Д. Абдураҳимов нутқ сўзладилар. Улар қишлоқда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда касба уюшмалари олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида тўхталдилар. Вилоят ҳамда туман тармоқ қўмиталарининг ҳокимликлар билан бу йил учун тузиладиган битимларнинг халқчиллигига эришиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирларга кенг ўрин бериш зарурлигини алоҳида уқтирдилар.

Давлат муассасалари ходимлари Наманган вилояти касба уюшмаси қўмитасининг навбатдан ташқари мажлисида ҳам ташкилий масала кўрилди. В. А. Маркина пенсияга чиққанлиги муносабати билан аризасига кўра вазифасидан озод қилинди. Наманган тумани халқ демократик партиясининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келган М. Жалилов вилоят давлат муассасалари ходимлари касба уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,  
“Ишонч” мухбири.



## АВЛОДЛАР КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАЁТГАНЛАР

Риштон кулолчилигининг шухрати оламга ёйилганлиги ҳаммага маълум. Бу ерда ишлаб чиқарилган буюмлар қадимдан харидоригир бўлган. Айни пайтда ўз касбини эъзозлаб келган ота-боболаримизнинг бу анъаналари авлодлар томонидан давом этирилмоқда.

Республикаимиз мустақиллигининг икки йиллик шодиёнаси кунларида Риштон бадий кулолчилик буюмлари корхонаси жамоаси янги чинни буюмлар ишлаб чиқариш цехини ташкил этган эди. Аёна шу янги цех бир ойда 1 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 70 фоизидан ортиқроғи биринчи нав даражасида баҳоланмоқда.

Риштон бадий кулолчилик корхонасининг отахони Ўзбекистон

халқ рассоми, Давлат мукофоти совриндори, таниқли уста Иброҳим Комилов изидан бораётган унинг шогирдлари Шарофиддин Юсупов ҳамда Кимсанбой Ганижоновлар кулолчиликда янгидан-янги ишларни амалга оширмоқдалар. Уста Иброҳимнинг бадий жиҳатдан буюмларга ранг ва нақш танлашидаги ўзига хос санъати кўпчиликни ҳайратга солади. Ҳозир устанинг 40 дан ошқ шогирди бўлиб, улар устозлари билан ёнма-ён меҳнат қилишаётир.

Кулолчилик корхонасида оилавий цехларнинг ишлаши ҳам диққатга сазовордир. Айниқса, Набижон Қодиров бошлиқ оилавий цехда ишлаб чиқарилаётган нафис сопол буюмлар ўзининг гўзаллиги билан кўпчиликнинг диққатига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шарофиддин Юсупов.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎЗА).

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирилик ҳайъати билан соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсатининг қўшма йиғилиши бўлди. Унда тиббиёт ташкилот ва муассасаларининг ўтган йилги молия-хўжалик фаолиятининг якунлари ва бу йилги режалари ҳақидаги масала билан бир қаторда вазирилик билан Марказий Қўмита ўртасидаги 1993 йилги битимнинг бажарилиш натижалари ҳамда 1994 йилги икки томонлама битимнинг асосий йўналишлари ҳақидаги масала ҳам кўрилди. Бу йилги битим лойиҳаси кенг ва атрофлича

муҳокама қилинди. Маърузачи—Марказий Қўмита раиси О. Й. Абдуллаева ва музокарада сўзга чиққан ҳайъат ва раёсат аъзолари бу ҳужжатда баён этилган вазифалар тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоя қилишга қаратилганлигини, уларда маданий-маиший хизмат соҳалари ҳам ўз ифодасини топганлигини таъкидлаб, битим тўғрисида ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини айтдилар. Улар инobatга олинган ҳолда Битим имзоланди.

“Ишонч” мухбири.

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛДИ

“ОХАНГАРОН” ширкат жамоа хўжалиги касба уюшмаси қўмитаси конференциясида ўтган йилги жамоа шартномасининг бажарилиш якуни муҳокама қилинди. Йил якуни бўйича жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари Ҳамид Сулаймонов, жамоа шартномасининг бажарилиши ҳақида хўжалик касба уюшмаси қўмитаси раиси Йўлдош Эралиевларнинг маърузалари тингланди. Бу йил учун жамоа шартномаси имзоланди. Қабул қилинган ҳужжатда бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик меҳнаткашларини ижтимоий химоя қилишга алоҳида эътибор берилди.

Ишчиларнинг фарзандлари учун болалар боғчаси бепул бўлишини таъминлаш, қўшимча ишчи ўринларини ташкил этиш, механизатор ва сут соғувчиларга махсус кийимлар олиб бериш, хотин-қизлар соғлигини муҳофаза қилиш каби тадбирлар белгиланди.

Бу йил маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, уларни қайта ишлайдиган цехлар ва кичик корхоналардан олинандиган даромад ҳисобига иш ҳақини янада ошириш режалаштирилди. 90 ўринли болалар оромгоҳини мавсумга тайёрлаш, ўқувчиларни дам олишига пухта тараддуд кўриш таъкидланди.

С. ШАРОФХОНОВ,  
“Ишонч” мухбири.

## ХАБАРЛАР МАҒЗИ



• **ВАЗИРЛАР** Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни амалга оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, чорвачиликда ислохотни такомиллаштириш ва фермер хўжаликлари зарур шарт-шароит яратиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Йиғилишда республикаимиз Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси

Президенти Ислоҳ Каримов билан Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмонов ўртасида бўлиб ўтган музокарада ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва уларга қонуний тус бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди ҳамда битим имзоланди.

• **МАМЛАКАТИМИЗ** Президенти республикаимизда меҳмон бўлган Чино Тадао бошчилигидаги Япония модернизациялаш жамияти делегациясини қабул қилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков Наврўз умумхалқ

байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

• **МАМЛАКАТИМИЗ** Президентининг Фармонида кўра Республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси Бектош Раҳимов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан мукофотланди.

• **НАМАНГАНДА** 4 март кунини Ўзбекистонда биринчи марта давлат корхоналари ким ошди савдоси ўтказилади. Унга йигирмага яқин ишоот, уй-жой, меҳмонхона, чойхона, қаҳвахона, ресторан, ҳаммом, корхоналар сотилиши кўзда тутилган. Бу тадбир АҚШнинг “Прайс Уотерхаус” фирмаси билан ҳамкорликда

ўтказилади.

• **“ХАЛҚ** истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонида кўра Оқил Умурзоқович Салимов Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланди.

• **ҚИШКИ** Олимпиада ўйинлари тарихида биринчи марта Норвегияда Мустақил Ўзбекистонимиз давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси, Фрейстал бўйича жаҳон чемпиони Лина Черязова олимпиада голиби бўлди.



## АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП

— Корхонага 1970 йили оддий ишчи бўлиб келганман, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент ёг-мой комбинати касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Мирзахусан Зуфаров. — Жамоат ишларида фаол иштирок этганлигим учун 1990 йили мени ишчилар раислигига муносиб кўришди. Энди уларнинг ишончларини оқлашга интиляпман. Уюшмада 1350 нафар аъзо бор. Ўтган йил хайрли келди. Чунки ҳар ойда Кумушкон, Чортоқ, Сўқоқ каби саломатликни тиклаш манзилларига 4-5 кишига йўлланма берилди. Ишчиларимиз июнь-август ойларида мунтазам ҳафтасига бир марта Бўстонлик, Чимендам олиш масканларига сайр этиб, корхона қошидаги "Намуна" халқ — чолгу дастаси қатнашчилари намойиш қилган турли-туман томошаларни кўриб қайтишди.

Корхона қошида 280 ўринли болалар богчаси бор. У ерда тарбияланаётган ҳар бир бола учун ота-оналар ойига 12 сўм 50 тиён ҳақ тўлашади. Ҳолбуки, бир бола учун ойига 14 минг 558 сўм сарфланмоқда. Комбинатга қарашли "Настарин" сихатгоҳида 23 нафар меҳнат фахрийси, 71 нафар богча ёшидаги кичкинтой бепул даволанди. "Настарин"нинг йўлланмаси 36820 сўм туради. Ўтган йили 650 ишчи 3682 сўмдан еки умумий сумманинг 10 фоизи миқдоридан пул тўлаб даволанишди.

Биз "Настарин" сихатгоҳида бўлдик. Дарвозадан кирганимиздаёқ тартиб билан экилган мевали дарахтларнинг, тоқларнинг ўртасига жойлашган уч қаватли бино, унинг орқасидаги иссиқхона, барча-

барчаси бу маскандаги қўли гул инсонларнинг меҳнатидан далолат бериб турибди.

— Сихатгоҳнинг ассосий харажатлари ёг-мой корхонаси зиммасидадир, — дейди бош ҳаким Аҳмаджон ака Юсупов. — Бу ерда уқалаш, электр, гальваник, қиска тўлқинли нур, иссиқлик, шам, нина, бадантарбия билан шифо берилади.

Сог танда — соғ ақл, дейдилар. Жамоамизнинг сихат-саломатлиги қанчалик мустаҳкам бўлса, уларнинг иш унуми ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ишчиларни ижтимоий химоялаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, бу ишларда корхона раҳбариятининг хизматлари катта. Мисол учун ишчилар етоқхонасида 1993 йилда 8 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Ишчиларга маош миқдоридан ердан пули, маърака-маросимлари учун маблағ берилмоқда.

Энг муҳими, ишчи-хизматчилар ўртасида меҳроқибатнинг кучлилиги ҳам барча муваффақиятларимиз мезонидир.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,  
Даврон АҲМЕДОВ.

Суратда: Корхона касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Мирзахусан Зуфаров (чапдан биринчи) ишчи Саксонбой Мирражабов (ўртада) ҳамда тайёрлов цехи бошлиги Сайфулла Мирсаидов (ўнгда) билан хомашёни кўздан кечиришмоқда.  
Д. АҲМАД олган сурат.

## ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА келаятган хатлар ичида касабаси уюшмалари раҳбарларининг оддий фуқарога ҳар жиҳатдан бераётган ёрдами, кўрсатаётган ғамхўрликлари ҳақида кўплаб миннатдорлик изҳорлари бор.

"Мухтарам таҳририят ходимлари, — деб бошланади Наманган вилояти, Задарё туманилик Ёқубжон Маматисоев ёзган мактуб — Касаба уюшма раҳбарларининг жонкуярлиги билан Учқўргон шаҳридаги "Нихол" санаторийсида даволандим. Марказий касалхонанинг бош ҳакими Абдулбосит Дехқонов тез-тез ҳолимдан хабар олиб, меҳрибончилик кўрсатди. Ширин сўз, яхши муомила муолажадан афзаллиги рост экан. Худди шунингдек, С.Робиддинов, Ш.Усмонов, А.Исмоилов сингари даволоччи врачлар ва М.Абдуллаева, Г.Ҳожибоева, О.Мирзаабдуллаева сингари ҳамшираларнинг, ўз қонини мендан аямаган Ёқутхон аянинг чин инсоний кўмаги бир умр эсимдан чиқмайди.

Иқтисодий қийин бир шароитда биз каби беморларга қўлидан келганича ердан берган шифокорларга, касабаси уюшма фаолларига мингдан минг раҳмат. Илоҳим бундай яхши одамларнинг умри узоғу мушкуллари осон бўлсин".

Дарвоқе, қаердаки кишиларга етарлича ғамхўрлик кўрсатилса, ерданга муҳтожларга мадад қўли узатилса ўша ерда файз-барака бор, меҳроқибат устивор. Учқўргон шаҳридаги "Нихол" сихатгоҳидан келган мактубда ҳам у ердаги қулай шарт-шароитлар, шифокорларнинг ширинсуханлиги ҳақида фикр юритилади. Мактуб муаллифлари республикамизнинг турли вилоятларидан келиб, бу ерда ўз саломатлигини тиклаган турли касб эгаларидир.

"Бу сихатгоҳда бўлган киши яна фақат шу даргоҳда даволангиси келади, — дейилади 10 нафар киши имзо чеккан мактубда. — Афсуски биз "Нихол"га йўлланма олиш учун кўп вақт овора бўламиз, навбат кутамиз. Қани эди йўлланмалар ташкилотимизда истаган маҳалингиз топилса... Сихатгоҳнинг аҳил, кичик жамоасининг оҳанрабоиси бор. Чунки бемор одам аввало яхши сўзга интиқ бўлади-да. Халқ соғлиги йўлида меҳнат қилаётганларнинг шаънига қанчалик илиқ сўз айтсанг камлик қилади. Бизлар Ўзбекистон курортлар бошқармаси раиси Х.Маҳмудовга ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқни истаймиз".

"Ўн тўққиз нафар даволанувчилар имзо чеккан ушбу хатимизни эътиборсиз қолдирмасизлар, — деб ёзишбди "Чортоқ" сихатгоҳидан бир гуруҳ беморлар. — Юрак хасталиги ҳамма дарддан энг хавфлиси ҳисобланади. Бундай дардга чалинган одамга ҳар бир сўз, кўз қараш таъсир этмай қолмайди. Сихатгоҳнинг етакчи, олий тоифали кардиологи Илҳомжон Каримхонов, муолажа усули даволочиси Абдурахмон Норбоев ҳамда қўли энгил ҳамширалар меҳнатига таҳсинлар айтамыз. Ҳамма сихатгоҳларда ҳам шу одамижон оқ либосли саломатлик посбонларининг ишлари ўрганилса, тажрибаси оммалаштирилса яхши бўларди".

Республикамизнинг кўплаб касалхона ва сихатгоҳларида ўз соғлигини тиклаган юзлаб одамларнинг шифокорларга, улар хузурига йўллаган жойлардаги касабаси уюшмаларининг раҳбарларига билдирилган шундай дил изҳорлари ёзилган хатлар жуда кўп. Одамларга қилинган яхшилик оқибатсиз қолмайди. Келинг, азизлар, шу ёруғ дунёда бир-биримизга фақат яхшиликни, эзгуликни раво кўрайлик.

Норинисо ҚОСИМОВА,  
"Ишонч" муҳбири.

АЗИЗ Нурмухамедов Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-механика йиғув цехида кўп йиллардан буён касабаси уюшмаси кўмитасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Цехда айни пайтда 280 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Кўмигага кимдир уй-жой масаласида, яна биров оилавий ахволининг ночорлиги ҳақида мурожаат қилади. Яқинда ишчилардан Лариса Дудинанинг онаси вафот этди. Бундай пайтда бошига мусибат тушган инсоннинг оғирини энгил қилиш ҳамманинг бурчи. Ларисага корхона касабаси уюшмаси кўмитаси ҳисобидан икки ойлик маош миқдоридан ердан пули берилди. Маъмуриятга мурожаат қилиниб дафн маросимига энгил машина ҳамда автобус ажратилди. Цех касабаси уюшмаси кўмитасининг фаоллари турли тўйлар, юбилей кечаларини ўтказишда ҳам кўпчиликка бош-қошлар. Азизжон ҳали-ҳали ўзининг илж бор корхонага келган пайтларини эслайди. 1963 йили эди. 14 ешлик ўспирин корхонага келган дастлабки ойларида ўзининг тиришқоқлиги ҳамда самимийлиги билан

кўпчиликнинг эътиборига тушди. Устозларининг маслаҳатлари билан "Электромеханика" техникумига сиртдан ўқишга кирди. 1969 йили эса касбдошлари унга катта ишонч билдириб, цех касабаси уюшмаси кўмитасига етакчи

## КАМАРБАСТАЛАР

қилиб сайлашди.

— Ўша йиллари касабаси уюшмалари турли йўналишлар бўйича фаолият кўрсатарди, — дейди Азиз Нурмухамедов. — Биз касабаси уюшмаси кўмитасининг фаоллари турли меҳнат баҳсларини ҳал қилиш, ўртоқлик суди, ишлаб чиқариш мусобақаларини ташкил этиш, техника хавфсизлиги масалалари бўйича иш олиб борардик. Маъмурият бирор ишчини бизнинг розилигимизсиз ишдан бўшатишмасди. Ёдимда, қанчадан-қанча ешлар фаолларнинг ўз вақтида кўрсатган йўл-йўриқлари туфайли, хатто

ишлаб чиқариш илгорлари даражасига етишганди. Айни пайтда ҳам ишчилар ўртасида қандайдир муаммо пайдо бўлса, бизга мурожаат қилишади, — дея сўзини давом эттирди Азиз Нурмухамедов. тўғри, ҳозир кўпчиликка осон эмас. Лекин биз

ишчи-хизматчиларимизни имкони борича ҳам моддий, ҳам маънавий томондан кўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз. Албатта бу ишимизда фаолларимиздан Надежда Салохина, Николай Зацепинлар ҳар қандай хизматга тайёрлар.

Азиз Нурмухамедов билан бўлиб ўтган қисқа суҳбатдан сўнг Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Абдурасул Рўзиматов билан ҳам учрашдик.

— Корхонамизда 5 мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди

Абдурасул Аъзамович. — Айни пайтда корхонамиз жамоасининг саъй-ҳаракати билан ишлаб чиқариш режасини бир маромда ушлаб туришга эришяпмиз. Ўтган йилнинг декабрь ойида ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган ишчиларнинг ўртача даромади 130 минг сўмни ташкил этганлиги фикримизни тасдиқлайди. Корхонамизда ишчи-хизматчиларни ижтимоий химоялашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга бирлашма ҳудудидан озиқ-овқат ҳамда саноат моллари билан савдо қилувчи дўконлар ишлаб турибди. Бундан ташқари соғломлаштириш пунктлари, маданият уйи, спорт саройи ҳам меҳнаткашларимиз хизматида. Тўғри, кейинги пайтларда ишимизда кўплаб муаммоларга дуч келмоқдамиз. Лекин Азиз Нурмухамедов каби фаолларимиз борлигидан фахрланамиз.

Ҳа, кишилар эл иши учун камарбаста бўладиганлар номини ҳурмат билан тилга оладилар, уларни унутмайдилар. Азиз Нурмухамедов ҳам шундайлардан.

Незмат РАФИҚОВ.



Саволларга Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги бўлим бошлиғи Зироат Муҳиддинова, етакчи мутахассиси Мастура Ҳожиматовалар жавоб беришади.

45 йил шофёр бўлиб ишлаганман. Иш стажимнинг 15 йилида ёнилғи ташийдиган машина ҳайдаганман. Қариллик пенсияси тайинлашда имтиёз бўладими?

Х. ЙЎЛДОШЕВ,  
Қашқадарё вилояти,  
Чироқчи тумани.

Амалдаги Қонунга троллейбус ва шаҳар мувофиқ трамвай, автобусларининг

ҳайдовчиларига умумий иш стажи 25 йил бўлиб, шундан 20 йили мазкур ишда банд бўлган эркакларга 55 ёшга етганларида имтиёзли қариллик пенсияси тайинланади. Қолган бошқа ҳайдовчиларга пенсия умумий тартибда белгиланади.

Саволларга республика деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг бўлим бошлиғи Боситхон Акбаров ва шу қўмита йўриқчиси Шавкат Қўшоқовлар жавоб берадилар:

1978-83 йилларда "Кўкорол" давлат хўжалиги фирма қўмитасининг котиби бўлиб ишлаганман. Ҳар йили даволаниш пули олганман. Бу сумма мукофот ҳисобланиб, пенсия пули чиқарилганда ҳисобга олинадими?

Одил ПОРСИЕВ,  
Тошкент вилоятидаги Бўка тумани  
меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.

Жамоа хўжалиги аъзоси пенсияга чиққандан сўнг ҳам ишни давом эттириши мумкинми?

Ҳаким РЎЗИБОЕВ,  
Самарқанд вилоятининг  
Иштихон тумани.

Амалдаги Қонунга мувофиқ ишчи ва мастер сифатида ишлаётган пенсионерларга, шунингдек, жамоа хўжаликлари бошқа кооперативларининг ана шундай меҳнат билан шугулланаётган аъзоларига: қишлоқ жойларда мактаб ўқитувчилари, мактабгача, мактабдан ташқари ва бошқа болалар муассасаларида педагогика ходимлари бўлиб ишлаётган пенсионерларга,

соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасаларида ишлаётган тиббий ходимларга, Қизил крест ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг шафқат ҳамшираларига, уруш қатнашчиси бўлган барча ишлаётган пенсионерларга қариллик пенсияси олаётган иш ҳақидан қатъий назар тўлиқ миқдорда тўланади. — Ишлайдиган бошқа пенсионерларга қариллик

пенсияси корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти билан муддатли шартнома тузган тақдирдагина иш ҳақидан қатъий назар тўлиқ миқдорда тўланади.

— 1993 йилнинг сентябрида қабул қилинган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги янги Қонунга биноан ишлайдиган пенсионерларга қариллик пенсияси муддатли шартнома тузилмаса ҳам тўлиқ миқдорда тўланади. Янги Қонун 1994 йил 1 июлдан кучга киради.

Давлат пенсия таъминоти ҳақидаги қонуннинг V боб, 32 бандида "пенсияларни ҳисоблаб чиқишда сугурта бадаллари олинмаган меҳнат ҳақининг барча турлари қўшилади. Ишҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан истиснодир. Давлат томонидан ижтимоий сугурталанмайдиган шахсларнинг пенсиясини

ҳисоблаб чиқиш учун иш ҳақида сугурта бадаллари олинмаган меҳнат ҳақи турларига ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қўшилади. Сиз айтган "даволаниш" пули пенсия миқдори ҳисобланганда инobatга олинмайди, чунки унга сугурта бадали ҳам тўланмайди. "Давланиш" пули моддий ердан ҳисобланиди.

Бизнинг давлат хўжалигимизда йил якунига кўра "қўшимча ҳақ" ва "мукофот" пуллари декабрь ойида иш ҳақи билан бирга берилди. Мана шу ҳолатда давлат хўжалиги ишчиларидан даромад солиғи қандай олинади?

Абдували ҲАЙИТҚУЛОВ,  
Сирдарё вилояти, Сирдарё  
тумани "Малик давлат  
хўжалигининг ҳисобчиси.

1. Мотоциклга бензинни имтиёзли шартда олишим мумкинми?  
2. Шаҳар транспортда 50 фоиз арзонлаштирилган нархда юришга ҳуқуқим борми?

Ш. НАЗАРОВ,  
Самарқанд вилояти, Нуробод  
туманида яшовчи Пугруҳ  
умумий касаллик ногирони.

1. Умумий касаллик бўйича ногиронларга бензин учун товон пули тўлаш кўзда тутилмаган.

Бу имтиёзлардан фақат Улуғ Ватан уруши ногиронлари, қатнашчилари,

меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги бўйича I-II гуруҳ ногиронлар, болалиқдан I-II гуруҳ ногиронлари шахсий машинани ўзлари бошқара олган ҳолларида

фойдаланишлари мумкин. Далолатнома билан оила аъзолари ҳайдашига рухсат берилса, товон пули олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

2. Умумий касаллик бўйича ногиронлар куз-қиш ойларида (01.10 дан 15.05) шаҳарлараро автомобиль транспортда, темир йўл ва сув транспортда 50 фоиз арзонлаштирилган нархда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Чернобилчиларга қандай имтиёзлар бор, уй олиш масаласида ва бош мия касаллигини даволаш учун қасрга мурожаат қилиш керак?

Й. ТУРСУНОВ,  
Сурхондарё вилояти,  
Қизириқ тумани.

Чернобил АЭС фожиаси асоратини тугатишда иштирок этганлар:

— шифокор рецептига кўра бепул дори олиш;

— санаторийларда даволаниш учун бепул йўлланма билан таъминланиш;

— ҳамма турдаги шаҳар транспортдан бепул фойдаланиш (таксидан

ташқари);  
— коммунал хизмат учун 50 фоиз арзонлаштирилган миқдорда ҳақ тўлаш;  
— навбатдан ташқари уй-жой билан таъминланиш;  
— уй-жойни бепул хусусийлаштириш;  
— тиббий кўрсатмага асосан протез-ортопедия буюмлари билан бепул таъминланиш;

— соғлиқни тиклаш учун ҳар йили 3 марта энг кам миқдордаги нафақага тенг товон пули олиш; санаторийлардан фойдаланмаган ногиронлар эса йўлланманинг ўртача ҳақи миқдорида товон пули олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бош мия огригини даволаш масаласида тумандаги невропатология мутахассисига учрашишингизни ва унинг йўлланмасига асосан махсус шифохонада даволанишингизга маслаҳат берамиз.

Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида нархлар тобора кўтарилмоқда. Аммо меҳнати машаққатли тамакиннинг нархи жуда паслигича қолмоқда. Бизнинг тирикчилик манбаимиз бўлган тамакиннинг харид нархи ошадими?

М.ТОЖИЕВА,  
Самарқанд вилояти, Ургут тумани,  
"Оққўрғон" жамоа хўжалигининг аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу масалани ўрганиб чиқиб 1993 йил 22 декабрдаги 16-05-13/31 рақамли хатидаги тамакиннинг харид нархини амалдаги даражада сақланиб қолиши тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган. Яъни, 1993 йилнинг ҳосили учун тамакиннинг харид нархи 1 килограмми учун 1100 сўмни ташкил қилади. Келгусида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида тамакиннинг харид нархи ўзгариб бориши мумкин.

Бизнинг "Ҳисор" давлат хўжалигимиз богдорчиликка ихтисослашган. Унда яшовчи аҳоли асосан тамакичилик билан шугулланишади. Давлат хўжалиги тамакини сотишдан олган даромадининг 45-50 фоизини ушлаб қолмоқда. Ишчиларга ҳар 1 килограмм тамаки учун 550-600 сўм миқдорида ҳақ тўланади. Шу тўғрими?

Нафас АВАЗОВ,  
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 25 февралдаги 83-сонли қарорига асосан тамаки хомашёси хўжаликлар томонидан марказлаштирилган ҳолда тайёрланиб сотилиши сабабли олинган даромаднинг

40 фоизи уларнинг ҳамма харажатларини қоплаш учун олиб қолинади. Қолган 60 фоиз топширувчиларга маош сифатида берилди. Албатта, бу тартиб ўзаро тузилган шартномаларда белгиланган бўлиши керак.

Афғонистонда бўлган собиқ байналминал жангчиларга касаллик варақаси бўйича ҳақ тўлашда қандай имтиёзлар бор?

А.АБДУЛЛАЕВ,  
Фарғона вилоятининг  
Фурқат тумани.

Касаллик варақасига ҳақ тўлашда байналминал

жангчилар учун иш стажи ҳисобга олинади. Фақатгина ногирон байналминалчиларга 100 фоиз маош ҳисобидан ҳақ тўланади.

● Саҳифани касаба уюшмаси ва мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.





МЕХР-ОҚИБАТ йўқолмаган ерда савобнинг ҳам умри узун бўлиши табиий. Халқимиз анъана ва удумлари тикланмоқда. Ўрта мактабларда “Одобнома” дарслари ўтилмоқда. Биз мураккаб даврни бошдан кечираётган шу кунларда бир-биримизга баҳоли-қудрат ҳамдард, ҳамжиҳат бўлсак, бир-биримиздан таскин топсак — бунинг савобига ким етсин. Бироқ, баъзи толиб ва талабаларимиз шу улугвор туйғудан бироз узоқлашиб бораётгандек.

Кўча-кўйда, жамоат жойларида оддий муомала, бир-бирига ҳурмат-иззат муносабатлари бузилаётгандек кўринади.

Дилдан айтилган ҳар бир яхши сўз ва амалга оширилган ҳар бир эзгу ишнинг қадрига

етган етади. Биргина номаъқул сўз, бекфарқлик эса ҳар қандай қалбни жароҳатлайди. Кейин уни тузатиш, афсуски, осон кечмайди. Савобни бугун ҳар хил талқин қилувчилар ҳам йўқ эмас. Улар номигагина “савоб” иш қилган бўлиб, одамлар назарида ўзларини одамшаванда, саховатли қилиб кўрсатадилару аслида фақат обрў-эътибор қозониш пайида бўладилар. Халқимизда бундай кимсаларга қарата айтилган “савоби ошкордан — гуноҳи пинҳон яхши”, деган нақл бор. Шу ўринда улуг Ҳазрат Алишер Навоийнинг эл учун, унинг маърифатли, маданиятли ва тинч ҳаёт кечирishi йўлида амалга оширган савобли ишларини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоядир. Улуг мутафаккир ўз даврининг ҳукмдори Ҳусайн Бойқарони ҳам қанчалар хайрли, эзгу ишларга ундаганлиги бугунги кун учун ибратомуз ҳодиса. Зеро, савоб билан узвийликда бўлган ҳиммат борасида ҳам ўтмишимиздан ибрат олишимиз мумкин. Аммо бугунги кунларда савоб ишлар қолиб, баъзан

гуноҳ ишларга мойиллик кўпроқлигидан ҳайрон бўласан киши. Ахир бугундан ҳам мураккаброқ давр уруш йиллари ҳам ҳалол яшаб, савобли ишлар қилишдай юксак туйғу тарк этилмаган эди-ку?

Ислом ҳадисларидан бирида “Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди” дейилган. Шу ўринда, яқинда Навоий мукофотида сазовор бўлган шоир Шукруллонинг

“Кафансиз кўмилганлар” асаридagi ушбу сатрларни келтириш жоиз: “Савоб!.. Бу нима? Бизнинг энг катта гуноҳимиз савобни унутганимиз эмасми?! Савоб нима? Савобни билмаган одам холисанилло бировнинг юкини энгиллаштиришга ҳисса

кўшадими? Савоб бу инсонга меҳрибонлик ҳиссидан туғилган, яхшилик қайтиши этиқоди эмасми? Савобга ишониш кишини гуноҳдан, шафқатсизликдан қайтармайдими? Инсонни инсофга келтирадиган нарса, балки шу савобга ишонишмикан?”

Нафсиларини айтганда, савобга ишониш ҳар биримизнинг қон-қонимизга сингиб кетган буюк этиқодга содиқ қолиш демакдир. Ҳар бир қалб эгасининг ўз виждонига қулоқ тутгани, менимча, савоб сари илк ва дадил қадамдир. Эзгуликнинг эса кечи йўқ. Шоирнинг савоб ҳақидаги ўйлари ҳар бир сония, ҳар бир лаҳза, ҳар бир кунимизда бизга ҳам эш бўлиши жуда зарур:

То ҳаёт эканмиз — савобга зормиз,

Йилт этган шуъладан диллар файзиб.

Гоҳ ғамгин, гоҳ эса умидга ёрмиз,

Йўқолмаса деймиз дунёдан савоб.

Туйғун ХОЛМАТОВ,

Адабиётшунослик институти илмий изланувчиси.


## Тирик эканмиз — савобга зормиз

### “УМИД” ДАН УМИД КАТТА

Қизилтепа туманидаги кичик корхона ўз номи “Умид”га яраша иш тутаяпти. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол моллари ўгил уйлантираётган, қиз чиқараётган оилаларнинг эҳтиёжини қондириш билан уларнинг умидини рўёбга чиқармоқда. Бу ерда чойшаб, ёстик ва кўрпа билан бирга сандиқнинг 6 хили тайёрланапти. Корхонанинг гулдор сандиқлари хонадонлар учун қимматбаҳо буюм ҳамда хазинани сақлаш воситаси бўлиш билан бирга ўз чиройи ила ҳар бир уйга кўрк бағишлайди.

Суратда: Уста Юнус Худойкулов сандиққа безак бермоқда.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат (ЎЗА).



## ЮРТДОШЛАР ЭҲТИРОМИ

ХОЖА Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг номи қадим замонлардан бери ислом оламида маълум ва машҳур бўлиб, маънавий меросига катта қизиқиш билан қараб келинади. Бу бежиз эмас. Хожাগон тариқатига асос солган бу улуг сўфий, олими раббоний ўз умри давомида умумбашарий гоъларни илгари сурди. Бу эса ҳозирги кунда ҳам жуда муҳим. Имом Садриддин Ниёз Хоразмий, Хизр алайҳиссалом ва Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган беназир аллома кейинчалик Хожайи Жаҳон номи билан оламга танилди. Ул мўътабар зот қаламига мансуб “Рисолаи соҳибия”, “Мақомати Юсуф Ҳамадоний”, “Аз гуфтар Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний” ва бошқа дунёвий асарлар не-не тазйиқ ҳамда чеклашларга қарамай, ислом оламини ўзига жалб этиб келаяпти.

Яқинда Гиждувонда аллома таваллудининг 890 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан бўлган анжуманга республикамиз шаҳарларидан, ҳрижий мамлакатлардан кўплаб тариқат пешволари, олимлар, дин намоёндалари, адиблар, санъаткорлар, жамоа арбоблари таширф буюрдилар. Абдуллоҳиқ

Гиждувоний юбилейига бағишланган илмий-назарий конференцияда сўзга чиққан вилоят ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Д. Ёдгоров, туман ҳокими З. Шарипов тўпланганларни улуг сана муносабати билан табриклар, қадим юртимиз мустақиллик туфайли жаҳонга юз тутаётгани, унутилган қадриятларимиз, анъаналаримиз, маънавиятимиз сарчашмалари қайта кўз очаётгани ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими, филология фанлари доктори Ориф Усмонов “Абдуллоҳиқ Гиждувоний ва Яссавий таълимотлари хусусида”, Бухоро давлат Университети кафедра мудири, профессор Муҳаммад Назар усто Болта ўгли “Хожাগон тариқатининг тасаввуфдаги ўрни ва унинг бошқа сулуқларга муносабати”, республика илмий-маърифий маркази вице-президенти Эркин Юсупов “Абдуллоҳиқ Гиждувоний ва бошқа тасаввуф олами намоёндаларининг дунёвий қарашлари ҳақида”, Ўзбекистон Фанлар академияси А. Навоий номидаги адабиёт институти катта ил-

мий ходими, филология фанлари номзоди Нусратула Жумаев “Абдуллоҳиқ Гиждувоний таълимоти ва мумтоз ўзбек адабиёти”, Бухоро давлат Университети ўқитувчиси Садриддин Салимов Хожайи Жаҳон ҳикматларининг аҳамияти ва умрбоқийлиги ҳақида қазикарли маърузалар қилдилар.

Конференцияда Италия республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Карло Унгар, “Замон” газетаси ходими Абдурахмоннинг чиқишлари ҳам эътибор билан тингланди. Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Мухторжон хожа Абдуллоҳ ал-Бухорий якуновчи нутқ сўзлаб, улуг боболаримиз кадр-қимматини тиклаш, ўзбек халқининг дунёвий обрў-эътиборини оширишда бош-қош бўлаётган республика ҳукумати ва шахсан Президентга самимий ташаккур изҳор этди.

Шу кунга анжуман қатнашчилари Ҳазрат Абдуллоҳиқ Гиждувоний макбарасини зиёрат қилдилар. Буюк аллома хотирасига “Қуръони Карим”дан тиловат қилинди.

Носир ТОШЕВ,  
“Ишонч” мухбири.

## Улуғларнинг улуғлиги нимада?

Машҳур математик Саъдихон Сирожиiddинов ҳаётида юз берган кўп хангомаларни эшитганман. Шулардан бири ҳеч эсимдан чиқмайди.

...Бундан 30 йилча аввалроқ бўлса керак, Саъдихон Сирожиiddинов Москва Давлат Университетининг профессори эди. Республика раҳбари Шароф Рашидов уни Тошкент Давлат Унверситетига ректорликка таклиф қилади. Саъдихон ака китобларини жомадон ва кутиларга жойлаб, поездга чиқади. Купеда ўрта ёш, тўлагина юртдоши юқори ўриндикдан оёгини осилтириб ўтирган эмиш. Саъдихон ака саломлашиб, юқларини жойлаштирар экан, у киши шундай дебди:

— Укаҳон, гап бундай, қўл-оёгингиз энгил йигитча экансиз. Поезд юришига ҳади бор. Гир этиб, вокзалдаги магазиндан битта ановидан олиб келсангиз. Йўлда майдалаб кетардик.

Саъдихон ака топшириқни бажарибди. Поезд юра бошлагач, ҳалиги “акаҳон” яна дебди:

— Энди, укаҳон, гир этиб вагон ресторанга ўтинг, бирон егулик топиб келсангиз бир йўла овқатланиб олардик.

Кейин у чой дамлаб келишни буюрипти. Эртасига ҳам шу аҳвол, учинчи куни ҳам... Поезд Тошкентга келиб, йўловчилар тарадудга киришар экан, “акаҳон” яна шундай дебди:

— Укаҳон, менга жуда маъқул тушдингиз. Тошкентда ҳам мундоқ кўришиб турайлик. Мен Москвада диссертация еклаб келяпман. Физика-математика фанлари бўйича номзодликка. Университетда ишлайман. Укалар, жиянлар ўқишга киришмоқчи бўлса, менга рўпара қилаберинг. Қўлимдан келганча ёрдам бераман. Хўш, исму-шарифлари нима, қаерда ишлайдилар?

— Исми — Саъдихон, фамилиям — Сирожиiddинов. Энди Тошкент Университетиде ишласам керак.

Ҳалиги одам тилдан қолибди. Шундай олим, физика-математика фанлари доктори, МГУ профессори борлигини биларди-ю, аммо, айнан бу ўша эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган экан. Шу вақтгача “укаҳон” деб юргап киши пастга сакраб тушиб, олимнинг қўлини тутибди.

— Мени кечиринг, акаҳон! Сизни танимабман. Минг узр!.. Багри кенг олим бу воқеадан кейин ҳам “акаҳон” билан кўп учрашган, аммо ўтган ишларини юзига солмаган. Улуғликнинг улуғлиги ҳам шунда-да.

Анвар ТОЖИЕВ.

ФЕВРАЛЬ — МАРТ

28 ДУШАНБА

ЎзТВ I  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ўсмирлар учун. "Умид учкунлари". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 Эълонлар. 19.20 Кинолавҳа. 19.25 Бир жуфт кўшиқ. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.50 "Яшил бойлигимиз". 21.30 Бир асар тарихи. Ойбекнинг "Навой" романи ҳақида. 22.40 "Хуқуқий жамият сари". 23.10 "Ўзбекистон" ахбороти 23.30 Фильм-концерт.

ЎзТВ II  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 19.15 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 19.55 "Ёшлик" студияси. "Истиқбол эгалари". 21.25 "Жиноят ва жазо". Бадий фильм. 1-2 сериялар.

"ОРБИТА IV"  
6.30 "Тонг". 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Мультифильм. 18.40 "Хужжатлар ва тақдирлар". 18.55 "Гол". 19.25 "Миниатюра". 19.40 "Турмуш икки - чикирлари". Бадий телесериал премьераси. 37-серия. 20.10 "Кремль девори ортида". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 "Сен бу ерда бахтлимансан, Рудольф Нуриев?". В. Вульф. 22.10 "Матбуот-экспресс". 23.15 Олимпиада кундалиги.

"ДУБЛЬ IV"  
21.55 — 22.50  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
22.50 "Асил ҳолича".

1 СЕШАНБА

ЎзТВ I  
7.00 — 9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.10 "Чипполино". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Алгоритм ижрочилари. 11.00 "Қалдирғоч". Фильм-концерт. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Атом ва унинг тузилиши. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" устахонаси. 18.35 Мухбирлар ҳижо қилади. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 Эълонлар. 19.20 "Мусаввир". Телефильм. 19.35 "Сен баҳорни соғинмадингми?". Адабий-музикавий композиция. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.50 "Ислоҳот ва масъулия". 21.20 Актёрлар ва роллар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдушоир Салимов. 22.20 "Танҳо сузиш". Бадий фильм. 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 "Мени ўлди десалар ишонма". Бадий фильм. 20.30 "Йўлингиз бехатар бўлсин!". 21.15 "ОМАД" таништиради: Эълонлар. Кинонигоҳ.

"ОРБИТА IV"  
6.30 "Тонг". 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Парда ортида". 18.55 "Одий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 "Протокол сатрларида". 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 "Бомонд". 21.45 Режиссёр Л. Пчёлкин фильмлари "Юрак тош эмас". 1-серия. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Режиссёр Л. Пчёлкин фильмлари. "Юрак тош эмас". 2-серия.

"ДУБЛЬ IV"  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
20.55 "Сиёсат майдонида".  
21.50 — 22.50  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
22.50 Санъат майдони. "Шунчаки дўстлар" фестивали. 23.30 "Ҳеч ким унутилмайди".

2 ЧОРШАНБА

ЎзТВ I  
7.00 — 9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.10 Республика газеталарининг шарҳи. 9.25 "Давроннинг саргузаштлари". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Термоэлектр ҳодисалари. Вакуумда электр токи. 11.00 "Кичкинтой" студияси. "Музыка менинг қалбим". 11.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.45 "Ёшлик" студияси. "Эъоз". 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Зандона сир". Телефильм. 18.25 Лотин имлосига муқаддима. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15

Эълонлар. 19.20 "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади... 19.35 "Тилга — эътибор". 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.50 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". 21.45 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "Анор" телевизион танлови. 22.35 "Ўзбекистон" ахбороти. 22.55 "Туш ўнгидан келди, ёки Чемодан". Бадий фильм.

ЎзТВ II  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 "Спринт". 19.35 "Дарвоқе...". 20.00 "Шаҳар юмушлари". 21.00 "Олтин қидирувчи". Бадий фильм. 1-2 сериялар.

"ОРБИТА IV"  
6.30 "Тонг". 18.00 Янгиликлар. 18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.00 "Одий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 "Театр + ТВ": Константин Райкин йирик планда". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 Катталар учун мультифильм.

21.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Спартак" (Москва) — "Барселона" (Испания). "Лужники" Катта спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"  
18.00 — 20.05  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
20.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 286-серия. 20.55 "Кутиш зали".

21.45 — 22.55  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
22.55 "Россия қобусномаси". 23.25 "Мансаб алифбоси".

3 ПАЙШАНБА

ЎзТВ I  
7.00 — 9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.10 "Қиз ўғирлаш". Бадий фильм. 10.50 "Таълим ва ислоҳот". 10.35 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.25 "Ёшлик" студияси. "Садо". 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Бизнес мактаби". 18.40 "Унутилган ўйинлар" Телефильм. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 Эълонлар. 19.20 "Ботма, кўёш!" Публицистик кўрсатув. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.50 Ўзбек куй ва кўшиқларидан концерт. 21.30 "Хотира". Ўзбекистон халқ артисти Қодир Маҳсумов. 22.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 22.50 "Маҳбубим, азизим, суюқлигим". Бадий фильм.

ЎзТВ II  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 Шифокор суҳбати. 20.15 "Пульс". Хабарлар. 20.30 Телефильм.  
"ОМАД" таништиради: 21.00 Эълонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"  
6.30 "Тонг". 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Лабиринт". 18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.00 "Одий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 "Кинопанорама" 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 Останкино телеканалда биринчи марта. "Шоҳона ов". 1 ва 2-сериялар ("Ленфильм", "Голос" киностудиялари). 23.50 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"  
18.00 — 20.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
20.00 "Соло". 20.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 287-серия.

21.45 — 22.55  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
22.55 "Ўз-ўзига режиссёр". 23.25 "Март ойининг киноси".

4 ЖУМА

ЎзТВ I  
7.00 — 9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.10 "Болажон қиз". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви.

Зоология. Йиртқичлар туркуми. 11.00 "Ота — ўғиллар". Телефильм. 11.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.45 "Бола бошидан...". Мактабгача тарбия масалалари. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Тошкент-Сизтл". Телефильм. 18.25 "Тадбиркор". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 Эълонлар. 19.20 Телефильм. 19.30 "Ўзбекона лутф". 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.50 Бевосита мулоқот. 21.50 "Хонанда билан учрашув". Илҳом Иброҳимов. 22.25 "Марду майдон". Бизнес-шоу. Сирдарё вилоятдан кўрсатув. 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 "Музикий меҳмонхона". 20.05 Телефильм. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.50 "Ҳамкорлик уфқлари". 21.35 "Аёлни қидиринг". Бадий фильм. 1-2-сериялар.

"ОРБИТА IV"  
6.30 "Тонг". 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Маданият янгиликлари. 18.35 "Инсон ва қонун". 19.05 "Америка М.Таратута билан". 19.35 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 "Детективлар клуби"да. "Коплан". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. (Франция — Швейцария). 1-фильм. 23.05 "Ҳафтанинг машҳур кишиси". 23.20 "Академия". 23.50 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"  
18.00 — 19.55  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
19.55 Киномарафон. "Швециядаги қаср". Бадий фильм. "Севги маъбудаси" туркумидан.

21.45 — 23.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
23.00 "К-2" таништиради. "Иттифокда танилган. Лидия Смирнова".

5 ШАНБА

ЎзТВ I  
7.00 — 9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.10 Республика газеталарининг шарҳи. 9.25 "Ўн минг бола ва яна бир бола". Бадий фильм. 10.40 "Шоҳрух клуби". 11.10 "Кичкинтой"га хат келди. 11.40 "Иқтисодимиз таянчлари". Бекобод металлургия комбинатининг 50 йиллигига. 12.10 Хор куйларидан концерт. 12.40 "Мулоҳаза". Аббос Бақиров номидаги Андижон Ёшлар театри ҳақида. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат гунаҳлари". 18.40 "Шеърлий дақиқалар". Фароғат Камолова. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 Эълонлар. 19.20 Санъат усталари ижросида концерт. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.50 "Ижодий учрашувлар". Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов. 21.50 "Рақс гулдастаси". 22.20 Телевизион миниатюралар театри. 23.00 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.15 Болалар учун. "Табассум". 20.15 "Етти кўл". Телефильм. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.50 "СПИД муаммоси". Бевосита мулоқот. 21.50 "Қиз-Жибек". Бадий фильм. 1-2-сериялар.

"ОРБИТА IV"  
6.30 "Тонг". 18.00 Янгиликлар. (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Хужжатлар ва тақдирлар". 18.30 "Эрмитаж". Кўп серияли телефильм премьераси. 5-фильм. 19.00 "Ҳафтанинг акс садоси". 19.30 П.Вирский номидаги Украина Давлат академик рақс ансамблининг концерти. 20.00 "Қадри билинди...". -Рина Зеленая. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Филин ва мушукча". Бадий фильм премьераси. 23.15 Галина Вишневская "Останкино"да.

"ДУБЛЬ IV"  
14.15 — 18.00  
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ  
14.15 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 14.25 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўли". 15.10 "Безнен мирас" (татар тилида). 15.50 "Сиёсий портретга чизгилар". Джон Мейджор. 16.10 "Дидар" (қозоқ тилида). 16.55 "Умид" (уйғур тилида). 17.45 "Бу ажиб дунё".

18.00 — 19.05  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
19.05 "Сталин сиз биланми?". Видеофильм премьераси. 19.35 "Усталар". Татьяна Лаврова. 20.20 Телеэкранда премьераси. "Аёл ҳамма учун". Бадий фильм (субтитр билан).

21.45 — 22.25  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
22.25 "А" программаси.

6 ЯКШАНБА

ЎзТВ I  
7.00 — 9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.10 "Маҳобхорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 56-57 сериялар. 10.40 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". 11.10 "Сирли сандиқ". 12.00 Ёш спортчилар мактаби. 12.30 "Сўғдиена" миллий камер оркестрининг концерти. 13.05 Цирк! Цирк! Цирк! 14.00 "Қишлоқ ҳаёти". Публицистик-музикавий кўрсатув. 15.00 Телевизион миниатюралар театри. 15.40 Тижорат канали: "Ислоҳот одимлари". 18.00 "Кичкинтой" студияси. "Кўнгиракча". 18.30 "Фан уфқлари". 19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида). 19.30 "Ойнаи жаҳонда...". 19.50 Хуршида Ҳурунова куйлайди. 20.30 "Ҳафтанома". 21.10 "Ёшлик" студияси. "Зиё". 22.10 "Зулматни тарк этиб". Бадий фильм. 23.30 Янгиликлар.

ЎзТВ II  
"ОМАД" таништиради:  
17.00 "Мультифейерверк". 17.30 "Курьер". 17.45 "Турли икки-чикирлар". 18.05 "Ҳар соҳадан бир шингил". 18.15 "Рок ҳақида". 18.35 "Совга". 19.00 "Даракчи". 19.10 Эълонлар. 19.15 "Видео-О". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Курьер". 21.15 "Мода тарихидан". 21.35 "Шарқ дурдоналари". 22.00 "Даракчи". 22.10 Эълонлар. 22.15 "Видео-О".

"ОРБИТА IV"  
18.30 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.45 "Хунарли хор бўлмайди". 18.50 "Кулги панорамаси". Кўрсатувни Е.Петросян олиб боради. 19.40 Мультифильм. 19.50 Эстрада концерти. 20.00 "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништиради: "Тузалмас". Бадий фильм премьераси (Франция). 22.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув. 22.45 "Кино юлдузлари зиёфати". 23.30 "Мариинскда променад".

"ДУБЛЬ IV"  
14.40 — 18.00  
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ  
14.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 14.50 "Дунё аёллари". Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланади. 15.50 "Чинсэн". 16.30 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". 17.10 "Дилга яқин кўшиқлар". 17.45 "Бу ажиб дунё".

18.00 — 19.25  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
19.25 Киномарафон. "Малика Клевская". Бадий фильм. "Тарих саҳифалари" туркумидан.

21.35 — 23.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
23.00 "Тоголь уйда кечалар". Кўрсатувни И.Золотусский олиб боради.

("Тошкентдан гапирмиш ва кўрсатамиш" дастуридан.)

ТАНГРИ таолога минг қатла шукурлар бўлсинким, Она юртимга қайтдим. Юртошларимнинг кўрсатган иззат-эҳтироми мени ниҳоятда мамнун этди.

Дарҳақиқат, Тошкентни Шарқнинг энг машҳур шаҳарлари билан бемалол таққослаш мумкин.

Менда энг катта таассурот қолдирган нарса — миллий урф-одатимиз, кадриятларимизни эъзозлаш бўлди.

Буюк султон Амир

Темур ҳайкалини зиёрат этар эканман, у билан бўлган сўз ўйинларимни эсладим. Улугбек, Ибн Сино, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Мир Алишер ҳазратлари сиймолари қад тиклаган зиёратгоҳларда бўлиб, уларни қутладим, икки қўлимни кўксимга қўйиб, таъзим бажо келтирдим.

Буюк зотлар қатори Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандлар, Шайх Зайнутдин, Шайх Хованди Тоҳур, Занги оталарнинг ҳам

номлари тикланиб, руҳлари шод этилмоқдаки, бундан кўнгил беҳад таскин топди. Бундай хайр-саховатли ишларни мустақил халқнинг ботир йўлбошчиси бўлган жамиятнинггина қўлидан келадиган бағоят муборак вазифа деб баҳолаш жоиздир.



Дарвоқе, шаҳарда пешин намози маҳали сўфи азон айтаётгани қулоғимга илинди. Ажабо, хорижда аллақачон Туркистонда мусулмончилик барҳам еган деб эшитардим. Шоша-пиша Эски шаҳар бозори яқинидаги масжидга кириб, намоз ўқидим. Кейин, бозор айландим, метро бекатларини томоша қилдим, савдо расталарини кездим. Таърифлашга лойиқ ҳолатлар кўп. Лекин, афсус-надомат чекадиганлари ҳам бор экан. Сизларга бу ўрганиш

бўлиб қолгандир балки, лекин мен учун ажабланарлидир. Икки-уч дона сигаретни яшиқ устига қўйиб, аёлларнинг кийим-кечакларини қўлда тутиб туришибди. Ё алҳазар, дейман. Шунчалик экан, битта яши дўконча оч, қурбинг етмаса, шерик топ,

пештахталарни молга тўлдириб, сот. Бунинг айби йўқ. Минг йиллар илгари ҳам карвон етаклаб, Мағрибдан-Ма шрикқача йўл

босиб, мол топиб келиб, савдо қилишарди-ку? Буларнинг эса на ҳаракати бор, на баракати. Сотувчилар чехрасида на табассум кўрасан, на харидорга эътибор. Дамашқ, Қоҳира, Истамбул, Исфаҳон бозорларида сотувчи харидорларга қанчалик эгилиб салом беришларига гувоҳ бўлганман. Ҳурмат билан жой кўрсатишади, чой ёки қаҳва тутишади, отига ем бердирадлар. Кейин савдо ҳақида гап очилади.

## ҚАТРАЛАР

— Ўртоқжон, сен учун шу ўрик новдасини кесаман-да, сувга солиб қўяман. Туғилган кунингда антиқа бўлиб хонамизни безайди. Кўрганлар бир ҳавас қилсин.

— Қўй, дугонажон, ундай қила кўрма. Гулдонда гуллайди, аммо мева тугмайди-ку.

\*\*\*

Торгина хонамнинг кичкинагина дерзасидан кенг оламга боқиб, мушоҳада қиламан... Кенг оламдан торгина хонанинг дерзасига боқиб фикрласа, нималар

хаёлга келмайди дейсиз.

...Кенгликни торликка қандай жойласа бўларкин?

\*\*\*

Ём ғир шаррос қуяди. Бир пайт булутлар чоки сўкилиб, қуёш жилмайди. Нурда эрқаланган йирик томчилар ҳар хил рангда товланади.

— Опа, опажон, шу томчиларни игга тизиб, тақиб олгим келади, — дейди синглим. Унинг кўзи гўзаллик олдида чақнаб турарди...

Султонпошша ЁҚУБОВА.

## КЎЧАТ ЭККАН КЎП ЯШАЙДИ

ЯҚИНДА Наманган шаҳар фахрийлар кенгаши ташаббуси билан Машраб боғига кўчат ўтказиш маросими бўлди. Бир ярим минг нафар киши иштирок этган бу тадбирда биринчи бўлиб шаҳарнинг обрўли отахонларидан Умархон Саматов, Муфтилохон Матмусаев, Умархон Ахмедовлар кўчат ўтказишни бошлаб беришди. Шу кун юз элликка яқин дўш ва меҳнат фахрийлари яхши ният билан 8 минг тупдан ортиқ мевали, манзарали дарахт ва гул ниҳоллари ўтказдилар.

Ишонч мухбири.

## Ҳурматли газетхонлар! Муҳтарам тадбиркорлар!

"Ишонч" газетаси таҳририяти бир неча янгиликни Сизга хабар қилади.

Бундан буён сиз эълон ёки рекламанингизни бериш учун газеталар оstonасида қимматли вақтингизни бекорга қетказманг. Бизга ишонсангиз бас, рекламага тааллуқли барча хизматларингизни қисқа вақт ичида, арзон нархларда бекаму кўст бажарамиз. Сифат — бу бизнинг ишмиздаги ягона кафолатдир!

"Ишонч" — бу республикамизда энг кўп нусхада тарқаладиган газеталаримиздан бири! Мана шунинг учун ҳам сизнинг реклама ва эълонларингиз кенг газетхонлар оmmasига етиб боришига ишончингиз комил бўлсин! Биз йигиб бораётган маълумотларимиз ёрдамида сизга барча турдаги махсулотларни тезда сотиш ва сотиб олишда, айирбошлашда кўмаклашамиз, оммага хабар бериш ва тарғиб этишда эса тўғридан-тўғри ёрдам берамиз. Сизнинг офисингизни аквариум ва гуллар билан безашни бажарамиз.

Агар бизнес билан шугулланмоқчи бўлсангиз, барча керакли ҳужжатларни қисқа вақт ичида тайёрлаб, кўпайтириб

берамиз!

Таҳририят 1994 йил учун реклама қабул қилиш бўйича шартномалар тузишни давом эттирмоқда. Нарх-наволар ошиб кетаётган бир пайтда, рекламаларнинг нархи ҳам ошиши бундан мустасно эмас! Лекин бугун шартнома тузган мижозларимизга бу хавф йўқ.

Газетада 2 ёки 3 марта кетма-кет реклама чоп этадиган бўлсангиз унинг нархи 30 фоизгача арзонлаштирилади. Бундай имтиёз шартнома тузганларга ҳам тааллуқлидир. Кетма-кет чоп этилган газетанинг 3 та сонини таҳририятга келтириб берган яқка шахслар ўз эълонларини бепул эълон қилиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Ташкилот ва фирмалар билан бир саҳифа кетма-кет уч марта реклама берадиган бўлсалар тўртинчи рекламалари бепулдир.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй. (Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши биносиди). 5-қават "Ишонч" таҳририяти. 42-хона. Телефон: 56-85-43. Коммерция бўлими.



• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютеридида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

• Буюртма Г-816. 4 2 3 4 5 6

## Ишонч

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
КЕНГАШИ

БОШ МУҲАРРИР  
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Акмал АКРОМОВ  
(бош муҳаррир муовини),  
Абдуманноп АЛИМБОВ,  
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,  
Тургунбой МАДИЁРОВ,  
Тургун НАЗАРОВ (масъул котиб),  
Махаммадхон ОТАҚУЛОВ,  
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,  
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Баҳодир УМУРЗОҚОВ.



- Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТЛАРДАГИ  
МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ  
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02
- Жиззахда — 2-31-41
- Навойда — 3-52-99
- Наманганда — 6-22-10
- Нукусда — 4-19-97
- Самарқандда — 35-64-22
- Термизда — 2-70-07
- Тошкентда — 56-82-79
- Фарғонада — 4-28-29
- Урганчда — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтариб бериб, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



- СОТУВДА эркин нархда.
- Шанба кунлари чиқади.
- Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00
- Навбатчи масъуллар:  
Акмал АКРОМОВ,  
Тожибой АЛИМОВ.
- МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,  
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй,  
• 76113 нусхада босилди.  
• Нашр кўрсаткичи: 64560;  
64561.